

**ТИББИЁТ ХОДИМАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Тиб.31.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАМИНОВА КАМИЛА МАВЛЯНОВА**

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ  
ШАРОИТИДА ҲАМШИРАЛИК ИШИНИ БОШҚАРИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ТИББИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.23 – Ҳамширалик ишини ташкил этиш**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
Автореферати**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Даминова Камила Мавляновна**

Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш шароитида ҳамширалик ишини бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларини такомиллаштириш ..... 3

**Даминова Камила Мавляновна**

Совершенствование организационно-медицинских механизмов управления сестринского дела в условиях цифровизации системы здравоохранения..... 25

**Daminova Kamila Mavlyanovna**

Enhancing Organizational and Medical Management Mechanisms of Nursing in the Context of Healthcare System Digitalization ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ТИББИЁТ ХОДИМАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Тиб.31.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАМИНОВА КАМИЛА МАВЛЯНОВНА**

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ  
ШАРОИТИДА ҲАМШИРАЛИК ИШИНИ БОШҚАРИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ТИББИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.23 – Ҳамширалик ишини ташкил этиш**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати**

**Тошкент – 2025**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.3.PhD/Tib3622 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг ([www.tashmeduni.uz](http://www.tashmeduni.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталининг ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Искандарова Шахноза Тулқиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Турсунова Дилором Алимовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Салиходжаева Рихсиниса Камилловна**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Арад университети, Румыния**

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc. 04/30.12.2019. Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «15» декабр куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси 51-уй. Тел.: (+99871) 268-17-44 e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (172 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси 51-уй. Тел.: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2025 йил «10» декабр куни тарқатилди.  
(2025 йил «10» 12 даги 69 рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

**Х.А. Акилов**

Бир марталик Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш асосидаги илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

*[Handwritten signature]*

**Н.Н. Убайдуллаева**

Бир марталик Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш асосидаги илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

*[Handwritten signature]*  
**Д.А. Асадов**  
Бир марталик Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш асосидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда соғлиқни сақлаш тизимини самарали ҳамда «пациент - муайян тиббий хизмат» кесимида манзилли ривожлантиришнинг асосий тенденцияси бўлган рақамли трансформация шароитида тиббий хизматлар кўрсатишнинг асосий ижроси бўлган ҳамширалар фаолияти ва ҳамширалик ишини самарали бошқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. «Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги, шаффофлиги ва кўламини ошириш, даволаш-профилактика муассасалар (ДПМ) амалиётига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимидаги асосий бўғин ўрта тиббиёт ходимлари ишини бошқаришнинг анъанавий ёндашувларини қайта кўриб чиқиш, бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларини такомиллаштириш, рақамли ечимларни ҳамширалар фаолиятига интеграциялаш, касбий компетентлиги ва тайёргарлигини оширишни тақоза қилмоқда»<sup>1</sup>. Жаҳонда рақамли тиббиёт жадал ривожланиб бораётган шароитда тиббиёт кадрларининг рақобатбардошлигини рақамли технологиялар асосида ошириш ва тайёрлаш, соҳага ахборот тизимларини кенг жорий этиш, айниқса ҳамширалик ишини самарали бошқариш бўйича рақамли технологияларни кенг жорий қилиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда соғлиқни сақлаш тизини самарали ташкил қилиш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида фаолият турининг ўзига хослигига кўра ҳамширалик ишини самарали бошқариш муаммоларига бағишланган тадқиқотларга устувор даржада аҳамият берилмоқда. Бу борада, жумладан ҳамширалик ишини бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларни такомиллаштириш, ҳамширалик фаолияти дорасида сунъий интел-лектга кўра ҳомиладорлик даврида ҳомиладорлик хавфи ва оналик асоратларининг олдини олишнинг самарали мобил илова ва ботларини ишлаб чиқиш (ҳамширалар малакасини ошириш), репродуктив ёшдаги аёллар орасида рақамли технологиялардан фойдаланишга тайёрлик даражасини баҳолаш ҳамда уларнинг қарор қабул қилиши жараёнига таъсир этувчи асосий омилларга кўра самарадорликни баҳолаш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида соғлиқни сақлаш тизимини замонавий талабларга кўра сифат жиҳатдан ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини илғор тиббий ва рақамли технологиялар асосида янги босқичга кўтариш, ихтисослаштирилган тиббий хизматлар ва ҳамширалик ишини самарали ташкил қилиш кабилар юзасидан самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш устувор мақсадларига кўра «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби

<sup>1</sup> Global strategy on digital health 2020-2025. Geneva: World Health Organization; 2021. Licence: CC BY-NC-SA 3.0 IGO

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

вазифалар белгиланган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизмини рақамлаштириш шароитида ҳамширалик ишини бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2023 йил 12 майдаги ПҚ-140-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2023 йил 20 июндаги ПҚ-197-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Соғлиқни сақлашнинг замонавий рақамли трансформацияси тиббиёт мутахассисларидан, жумладан ҳамширалардан нафақат махсус билимларга эга бўлишни, балки рақамли кўникмаларни ривожлантиришни ҳам талаб қилади (European Health Parliament, 2016; Brown et al., 2020). Жаҳон амалиётида ҳамширалар рақамли технологияларни клиник жараёнларга интеграция қилишда муҳим роль ўйнайди, чунки айнан улар парваришнинг узлуксизлигини таъминлаб, беморларнинг аҳволини кузатиш учун рақамли воситалардан фаол фойдаланади (Meum et al., 2022; Wang et al., 2018). Тадқиқотлар рақамли технологиялар диагностика аниқлигини, мониторинг самарадорлигини ва клиник қарорларни қабул қилиш жараёнини яхшилашини тасдиқлайди, бироқ уларни муваффақиятли жорий этиш тиббиёт ходимларининг комплекс тайёргарлигини ва тегишли инфратузилмани яратишни талаб қилади (Gagnon et al., 2012; Chang et al., 2011). Ривожланган мамлакатлар сунъий интеллект ва телемедицинани фаол равишда татбиқ этиб, масофавий тиббий ёрдам ва шахсий тиббиёт учун янги имкониятларни очмоқда (Nashwan et al., 2023; Sarpı & Sarpı, 2020; Chiang & Wang, 2016). Соғлиқни сақлашни рақамлаштириш жараёнида қатор қийинчиликлар қайд этилганлиги баҳоланган: тиббиёт мутахассислари ўртасида рақамли кўникмаларнинг камлиги, таълим дастурларининг етишмаслиги, технологияларни клиник жараёнларга интеграция қилишдаги муаммолар ва ҳуқуқий чекловлар (Alimdjanovich R.J. et al., 2023; Gafurova, 2022; Rekleiti & Theofanidis, 2022; Scott Kruse et al., 2018).

Мамлакатимизда рақамли саломатликни ривожлантириш ва телетиббийетни жорий этишга қаратилган ташаббусларга қарамай, мазкур жараёнларнинг самарали амалга оширилиши учун мукамал тизимли ёндашув ҳамда тегишли инфратузилмани шакллантириш зарурлигини исботланган (Alimdjanovich R.J. et al., 2023). Рақамлаштириш ҳамшираларнинг иш жараёнини ҳам ўзгартиради. Мунтазам вазибаларни автоматлаштириш иш юкини камайитириши мумкин, аммо янги рақамли тизимларни жорий этиш қўшимча тайёргарликни талаб қилади ва баъзи ҳолларда маъмурий иш ҳажмини ошириш орқали стресс даражасини кучайтириши мумкин (Borg et al., 2023; Frennert et al., 2023). Ривожланган давлатларда ҳамшираларнинг рақамли саводхонлигига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг малака ошириш жараёни иш жойидаги таълим дастурлари ва масофавий технологиялар ёрдамида баҳоланган (Brown et al., 2020; Ross et al., 2016; Honey & Wright, 2018). Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимининг рақамли етуклик даражаси, тиббийет ходимларининг тайёргарлиги ва рақамли ечимларни жорий этиш бўйича аниқ стратегияларни шакллантириш масалалари батафсил таҳлил қилиниши лозим (Rekleiti & Theofanidis, 2022; Nachar et al., 2023). Рақамли технологиялар айниқса жамоат соғлиқни сақлаш соҳасида муҳим роль ўйнайди, хусусан, эпидемиологик маълумотларни кузатиш, касалликларнинг тарқалишини башорат қилиш ва хавф омилларини баҳолаш жараёнларида (WHO, 2021; Stroetmann et al., 2011; Barbosa et al., 2021). Ўзбекистонда ҳам уларни самарали татбиқ этиш учун рақамли инфратузилмани ривожлантириш, ихтисослашган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва меъерий-ҳуқуқий стандартларни такомиллаштириш зарур (Gafurova, 2022; Nachar et al., 2023; Maresova et al., 2022). Рақамлаштириш ҳамширалик персонали фаолиятининг самарадорлигини ошириш, инновацион бошқарув технологияларини жорий этиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мувофиқ аҳолига юқори даражадаги тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш учун муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари саломатлик ҳолати ҳамда унга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг салбий таъсирини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда рақамли технологияларни қўллаш борасида қатор илмий-тадиқот ишлари амалга оширилмоқда (Ш.Т.Искандарова, 2024; Б.М.Мамтқулов, 2024; 2025; Ф.Л.Азизова, 2024; Н.Ж.Эрматов, 2024;2025), бироқ, соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш шароитида ҳамширалик ишини бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларни такомиллаштирилмаган.

Халқаро тажриба соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилишда рақамли технологияларнинг муҳим ўрин тутишида шифокор ва ҳамширалар бу жараённинг асосий иштирокчилари ҳисобланади. Шу сабабли, ҳамшираларнинг рақамли компетенцияларини сифатини, соғлиқни сақлаш тизимининг рақамли етуклигини баҳолаш ҳамда рақамлаштириш жараёнида ҳамшираларнинг ўрни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этиши билан биргаликда бугунги кунда муаммонинг долзарблиги ва ечими топиш заруриятини тақоза қилади.

**Диссертация тадқиқоти мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01980006703-сон «Ўзбекистон Республикаси турли гуруҳдаги аҳоли саломатлик кўрсаткичларини тиббий-биологик, ижтимоий-гигиеник, экологик ва атроф-муҳитнинг бошқа омиллари таъсирини инобатга олган ҳолда комплекс тадқиқ қилиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш шароитида ҳамширалик ишини бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳамшираларнинг иш жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланишга бўлган ишончи ва рақамли компетенцияларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёж даражасини кўп омилли таҳлилни ўтказиш;

тиббиёт-профилактика соҳасидаги бирламчи муассасаларининг ахборот-коммуникация, рақамли технологиялари ва инсон ресурсларнинг рақамли компетенция билан таъминланганлиги ва жиҳозланганлик даражасини баҳолаш;

суъний интеллект ёрдамида ҳомиладорлик даврида ҳомиладорлик хавфи ва оналик асоратларининг олдини олиш учун Android ва iOS мобил иловалар ва «Nomila-AI» telegram ботини ишлаб чиқиш;

репродуктив ёшдаги аёллар орасида FemTech рақамли технологияларидан фойдаланишга тайёргарлик даражасини баҳолаш ҳамда уларнинг қарор қабул қилиш жараёнига таъсир этувчи асосий омилларни орқали самарадорлигини баҳолаш;

соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш шароитида ҳамширалик ишини бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2023- 2024 йилларда ишлаб чиқилган 10 та машинани ўрганиш модели, 200 нафар тиббий ҳамшира, тиббиёт олий таълим муассасалари ўқитувчи ва талабалари, 1014 нафар жавоб респондент очиқ маълумотлар базаси ва 105 нафар репродуктив ёшдаги аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида 2 та электрон ҳисобот (scv файл кўринишида) фойдаланилган бўлиб, уларнинг натижалари 1 та рақамли маҳсулот — аноним Телеграм-бот @NomilaAI\_bot орқали тўпланган катта маълумотлар базаси, IoT орқали йиғилган материаллар, 5 та оригинал нейрон тармоқлар моделидан фойдаланиш орқали тўпланган статистик таҳлил материаллари, Springer, Ebsco, Scopus ва Web of Science маълумотлар базасидаги илмий ресурсларни таҳлил қилиш, Likert шкаласи ва Google компаниясининг электрон рақамли ресурсларидан Google Forms, Keras ва TensorFlow нейрон тармоқлари ва машинавий ўқитиш алгоритмлари, ўқитиш ва синовдан ўтказишда Python ва Data Science кутубхоналари материаллари

олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ушбу тадқиқотда анкета-сўровнома, ходисаназорат, тизимли ва ретроспектив таҳлил, прогнозлаштириш, инструментал ва статистик тадқиқот, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор соғлиқни сақлаш тизимининг рақамли трансформациясига кўра ҳамшираларнинг касбий ва рақамли фаолияти мувофиқлигини уларга «тиббий рақамли гувоҳнома» бериш асосида тиббий-ташкिलий жиҳатдан таъминлаш муҳимлиги асосланиб, рақамли компетенцияларни ривожлантирувчи мазкур механизм ҳамширалик ишини самарали ташкил қилишга сезиларли таъсир кўрсатиши исботланган;

назарий-услубий жиҳатдан ҳамшираларнинг рақамли технологияларни комплекс ўзлаштириши, касбий фаолиятини электрон соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш ва ҳамширалик ишини ташкил қилиш таълимида ECDL рақамли технологияларини қўллашнинг самаралилигига асосланган ҳолда «оналик хавфини рақамли технологияларга кўра баҳолаш услугиёти» ишлаб чиқилган;

ҳамширалик иши бўйича экспериментал даражада Random Forest сунъий интеллект алгоритмидан фойдаланиш, ҳомиладорлик асоратларини олдини олиш, ҳомиладор аёллар саломатлигини яхшилаш ва ҳолатини баҳолаш ҳамда хавфларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактика чора-тадбирларини шахсийлаштиришда «Nomila AI» мобил иловасининг юқори самарадорлиги исботланган;

оналар саломатлиги асоратларини прогнозлаш ва тиббий-профилактика хизматлари сифатини ошириш ҳамда беморларни маршрутизациялашни оптималлаштиришда FemTech-технологияларини бирламчи тиббий ёрдам муассасаларига интеграциялашуви тиббий хизматлар, жумладан ҳамширалик иши самарадорлигига ижой таъсир этиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

рақамли технологияларга кўра ҳамширалик ишини самарали ташкил қилиш ва ҳамширалар иш шароитини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тиббиёт муассасаларида электрон ҳужжат айланиши тизимидан самарали фойдаланиш меҳназми таклиф этилган;

ҳамширалик фаолиятида сунъий интеллект (Random Forest алгоритми) асосида ишлайдиган Android ва iOS учун «Nomila AI» мобил иловасидан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар асосланган;

ҳомиладорлик хавфи ва оналик асоратларининг олдини олиш бўйича замонавий FemTech ечимлари бирламчи тиббий ёрдам муассасаларида татбиқ қилиниши ҳомиладор аёллар орасида шифохонага жойлаштириш сонини камайтириш тартиби ишлаб чиқилган;

ҳомиладорлик хавфи олдини олишда замонавий FemTech ечимлари бирламчи тиббий ёрдам муассасаларида татбиқ қилиниши ҳомиладорлик асоратларини даволаш харажатларини қисқартириш, ҳомиладорлик туфайли оналар ўлимини олдини олиш ҳамда ва тиббий ёрдамнинг чекка ҳудудларда

мавжудлигини ошириш механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган пациентлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи Springer, Ebsco, Scopus ва Web of Science маълумотлар базасидаги илмий ресурсларни таҳлил қилиш, Likert шкаласи ва Google компаниясининг электрон рақамли ресурсларидан фойдаланган ҳолда ёпиқ саволлар-Google Forms, Keras ва TensorFlow нейрон тармоқлари ва машинавий ўқитиш алгоритмларини ишлаб чиқиш, ўқитиш ва синовдан ўтказиш бўйича тажрибалар Python ва Data Science кутубхоналари ёрдамида статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, соғлиқни сақлаш тизмини рақамлаштириш шароитида ҳамширалик ишини бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларни такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиббий ҳамширалар фаолиятига рақамли технологияларни қўллаш ва соғлиқни сақлашни рақамлаштириш жараёнида уларнинг фаол иштироки анъанавий иш усулларини тўлдириш, беморларга ғамхўрлик қилиш, касалликларни олдини олиш, ташхислаш, даволаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиботини кучайтириш, сунъий интеллект технологиялари асосида ҳомиладорлик хавфини баҳолаш орқали аёлларнинг жисмоний ҳолати, биокимёвий кўрсаткичлари, турмуш тарзини муҳим параметрларни ҳисобга олган ҳолда индивидуал тавсияларнинг назарий аҳамиятини яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти тиббий ҳамширалар иштирокида рақамли усул ва технологияларни жорий этиш, тиббий ёрдам сифати оширишга кўмаклашиш, тиббий ҳамширалар юқини камайтириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳисобига юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаш, ҳомиладорлик хавф даражасини баҳолаш учун ишлаб чиқилган мобил илова орқали оптималлаштириш ва соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида инновацион технологияларни жорий этишга кўмаклашиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Соғлиқни сақлаш тизмини рақамлаштиришда ҳамширалик ишини бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор соғлиқни сақлаш тизимининг рақамли трансформациясига кўра ҳамшираларнинг касбий ва рақамли фаолияти мувофиқлигини уларга «тиббий рақамли гувоҳнома» бериш асосида тиббий-ташкилий жиҳатдан таъминлаш муҳимлиги асосланиб, рақамли компетенцияларни ривожлантирувчи мазкур механизм ҳамширалик ишини самарали ташкил қилишга сезиларли таъсир кўрсатиши бўйича таклифлар Тошкент педитария тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши-нинг 2024 йил 6 мартдаги 03-192-сон қарори билан тасдиқланган «Машинада

Ўқитиш орқали ҳомиладорликда оналар хавфини олдини олиш учун мобил рақамли технологиялардан фойдаланиш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган ҳамда Тошкент шаҳар Яккасарой туман тиббий бирлашмаси бўйича 29.03.2024 йилдаги 25-сон, Тошкент вилояти «Умид Гулшани» санаторийси бўйича 30.03.2024 йилдаги 25у-сон буйруқлар билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/23-сонли маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ҳамшираларнинг рақамли технологиялардан фойдаланишга тайёрлик даражасини оширган ҳамда беморларни парвариш қилиш сифати яхшиланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* рақамли технология ва таълим дастурларини бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига жорий этиш маъмурий харажатларни қисқартириш, режадан ташқари госпитализациялар сонини камайтириш ва асоратларни стационар шароитида даволаш харажатларини ўртача ҳар бир патронаж ҳамшираси учун ойига 1 050 000 сўмга қисқартириш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* назарий-услубий жиҳатдан ҳамшираларнинг рақамли технологияларни комплекс ўзлаштириши, касбий фаолиятини электрон соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш ва ҳамширалик ишини ташкил қилиш таълимида ECDL рақамли технологияларини қўллашнинг самаралилигига асосланган ҳолда «оналик хавфини рақамли технологияларга кўра баҳолаш услуги» таклифлар Тошкент педитария тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 6 мартдаги 03-192-сон қарори билан тасдиқланган «Машинада ўқитиш орқали ҳомиладорликда оналар хавфини олдини олиш учун мобил рақамли технологиялардан фойдаланиш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган ҳамда Тошкент шаҳар Яккасарой туман тиббий бирлашмаси бўйича 29.03.2024 йилдаги 25-сон, Тошкент вилояти «Умид Гулшани» санаторийси бўйича 30.03.2024 йилдаги 25у-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/23-сонли маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ҳамширалар рақамли компетенциялари оширилиши асосида тиббий хизмат сифати оширилган ва электрон ҳужжат айланиш тизими имкониятларининг кенгайтирилишига кўра улар фаолияти вақт бирлиги тежалган. *Иқтисодий самарадорлиги:* маъмурий харажатларни қисқартириш, режадан ташқари госпитализациялар сонини камайтириш ва асоратларни стационар шароитида даволаш харажатларини ўртача ҳар бир патронаж ҳамшираси учун ойига 1 050 000 сўмга қисқартириш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* ҳамширалик иши бўйича экспериментал даражада Random Forest сунъий интеллект алгоритмидан фойдаланиш, ҳомиладорлик асоратларини олдини олиш, ҳомиладор аёллар саломатлигини яхшилаш ва ҳолатини баҳолаш ҳамда хавфларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактика чора-тадбирларини шахсийлаштиришда «Nomila AI» мобил иловасининг юқори самарадорлиги бўйича таклифлар Тошкент педитария тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 6 мартдаги 03-192-сон қарори билан тасдиқланган «Машинада ўқитиш орқали ҳомиладор-

ликда оналар хавфини олдини олиш учун мобил рақамли технологиялардан фойдаланиш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган ҳамда Тошкент шаҳар Яккасарой туман тиббий бирлашмаси бўйича 29.03.2024 йилдаги 25-сон, Тошкент вилояти «Умид Гулшани» санаторийси бўйича 30.03.2024 йилдаги 25-у-сон буйруқлар билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/23-сонли маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ҳомиладор аёлларнинг ҳолатини шахсий тарзда мониторинг қилиш имконининг кенгайишига ҳамширалар иш вақтидан самарали фойдаланган ва тиббий хизматлар сифати яхшиланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари маъмурий харажатларни қисқартиришга, режадан ташқари госпитализацияларни камайтиришга ҳамда асоратларнинг стационар шароитида даволаниши учун сарфланадиган харажатларни ўртача ҳар ойда 1 050 000 сўмга қисқартириш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* оналар саломатлиги асоратларини прогнозлаш ва тиббий-профилактика хизматлари сифатини ошириш ҳамда беморларни маршрутизациялашни оптималлаштиришда FemTech-технологияларини бирламчи тиббий ёрдам муассасаларига интеграциялашуви тиббий хизматлар, жумладан ҳамширалик иши самарадорлигига ижой таъсир этиши бўйича таклифлар Тошкент педитария тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 6 мартдаги 03-192-сон қарори билан тасдиқланган «Машинада ўқитиш орқали ҳомиладор-ликда оналар хавфини олдини олиш учун мобил рақамли технологиялардан фойдаланиш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган ҳамда Тошкент шаҳар Яккасарой туман тиббий бирлашмаси бўйича 29.03.2024 йилдаги 25-сон, Тошкент вилояти «Умид Гулшани» санаторийси бўйича 30.03.2024 йилдаги 25-у-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/23-сонли маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ҳомиладор аёллар орасида касалхонага ётқизилганлар сонини камайган, она ўлимини пасайтирган ҳамда ҳомиладорлик асоратларини даволаш харажатларини қисқартириш ва чекка ҳудудларда тиббий ёрдам кўламини ошириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ҳомиладорлик асоратларини даволаш харажатларини камайтириш ва маъмурий харажатларни қисқартириш, режадан ташқари госпитализацияни камайтириш ва асоратларни стационар шароитида даволаш харажатларини ўртача ҳар бир патронаж ҳамшира учун ойига 1 050 000 сўмга қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Ушбу диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, мазкур тадқиқотнинг республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг илмий-амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, иш натижаларини апробациядан ўтказиш ва нашр этиш, диссертация тузилиши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Соғлиқни сақлаш тизмини рақамлаштириш шароитида ҳамширалик ишини бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларни такомиллаштиришнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий илмий манбаларни таҳлилида соғлиқни сақлаш соҳасидаги рақамлаштиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Ўрганилган бир қатор ишланмалар, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ ишламаяпти, бу эса давлат томонидан қўшимча ўрганиш ва қўллаб-қувватлашни талаб қилади. Олинган натижалар Springer, Ebsco, Scopus ва Web of Science маълумотлар базасидаги илмий ресурсларни таҳлил қилиш, Likert шкаласи ва Google компаниясининг электрон рақамли ресурсларидан Google Forms, Keras ва TensorFlow нейрон тармоқлари ва машинавий ўқитиш алгоритмларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, синовдан ўтказиш бўйича тажрибалар Python ва Data Science кутубхоналари ёрдамида мавзунини таҳлил қилиш ва муаммони илмий ҳал қилиш учун муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Соғлиқни сақлаш тизмини рақамлаштириш шароитида ҳамширалик ишини бошқаришнинг ташкилий-тиббий механизмларини ўрнини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари тавсифи келтирилган бўлиб, бунда баҳолаш босқичлари, қўлланилган усул ва материаллар таҳлили, баҳолаш мезонлари ва тадқиқот кўрсаткичларини ўз ичига олади.

**Ҳамшираларнинг рақамли компетенция даражасини баҳолаш усулбёти.** Тадқиқот Ўзбекистон Республикасидаги даволаш профилактик муассасалари (ДПМ) ва тиббий таълим муассасалари, шу жумладан, олий ҳамширалик иши факультетлари ҳамда тиббий жамоат ташкилотлари базасида аноним онлайн-сўров шаклида ўтказилди.

Тадқиқот ишлари Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимининг АКТ (Ахборот-коммуникация технологиялари) инфратузилмасининг рақамлаштириш жараёнига тайёрлигини техник аудитдан ўтказиш доирасида амалга оширилди: 1-босқич (онлайн-сўров) – (2024 йил февраль-май ойлари);

2-босқич (таълим дастурларини ишлаб чиқиш) – (2024 йил июнь-декабр ойлари); 3-босқич (АКТ инфратузилмасининг техник аудити)–(2023 йил январ ойи); 4-босқич (рақамли маҳсулотни ишлаб чиқиш)–(2022–2024 йй.);5-босқич (фертил ёшдаги аёлларнинг мобил соғлиқни сақлашга муносабатини баҳолаш) – (2023 йил июнь-август ойлари).

Мазкур тадқиқот миқдорий ва сифат таҳлили элементларига эга бўлган, Data Science, анкета сўрови, техник аудит ва таълимий моделлаштириш усулларини қамраб олган амалий фанлараро тадқиқот ҳисобланади. У тиббиёт, ахборот технологиялари, статистика ва таълим каби бир нечта илмий фанларни ўзида мужассамлаштиради.

Бундай ёндашув тиббиёт ходимлари, хусусан, ҳамшираларнинг рақамли компетенция (салоҳият) даражасини комплекс ўрганиш, таълимий ва технологик ечимларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг соғлиқни сақлаш тизимига таъсирини баҳолаш имконини беради.

## 1-жадвал

### Тадқиқот дизайни

босқичлари	Тавсифи	Тадқиқот усуллари
1-босқич	Рақамли технологиялар бўйича ҳамшираларни сўровнома қилиш	Онлайн-анкеталаш
2-босқич	Рақамли компитенициясини ошириш усулларини ишлаб чиқиш	Аналитик таҳлил, дастурлаш, ўқитиш усули
3-босқич	Рақамли технологияларга соғлиқни сақлаш тизимини тайёргарлигини баҳолаш	Техник аудит АКТ-инфраструктураси
4-босқич	РТ бўйича мобил илова асосларини яратиш	Машинали таълим (ходиса назорат), Data Science
5-босқич	Фертил ёшдаги аёлларни сўраб суриштириш	Онлайн-анкеталиш, статистистик таҳлил

Намунанинг репрезентативлиги (вакиллик даражаси) асосланиши классик статистик усуллар ва маълумотларни таҳлил қилишнинг замонавий ёндашувларига асосланган: Намуна ҳажми: Cochran (1977) ва Krejcie ва Morgan (1970) методологиясига кўра, 200 нафар респондентдан иборат намуна ҳажми тиббиёт ходимлари, талабалар ва ўқитувчилар фикрларини тадқиқ қилишда статистик жиҳатдан аҳамиятли қонуниятларни аниқлаш учун етарли ҳисобланади.

**Сунъий интеллект учун маълумотлар:** Маълумотлар базаси 1014 та ёзувни ўз ичига олади, бу Agresti (2018) томонидан ижтимоий ва тиббий тадқиқотларда катта ҳажмли маълумотларни қайта ишлаш бўйича берилган тавсияларга мос келади. Машинавий таълим (тасодифий ўрмон) алгоритми

кўринишидаги сунъий интеллектдан фойдаланиш Géron (2019) томонидан илгари сурилган Data Science ёндашувларига асосланиб, яширин қонуниятларни аниқлаш ва прогноз таҳлилини ўтказиш имконини беради.

**Инфратузилманинг техник аудити:** Тадқиқот доирасида Сирдарё вилоятида 2022 йил январь ҳолатига мавжуд бўлган 107 та даволаш-профилактика муассасаси (ДПМ) ичидан 33 тасида аудит ўтказилди. Намунанинг ушбу ҳажми Saunders et al., (2019) ҳамда Kish (1965) тавсияларига мувофиқ, 95% ишончлилик интервали даражасидаги статистик репрезентативлик (вакиллик даражаси) асосида белгиланди. Бундай ҳажмдаги намуна минтақанинг рақамли инфратузилмасидаги асосий муаммоларни ишончли тарзда аниқлаш ва уни яхшилаш бўйича тавсиялар шакллантиришга хизмат қилади.

**Фокус-гурух:** 105 нафар фертил ёшдаги аёллар фикрларининг таҳлили Бартлетт ва б. (Bartlett et al., 2001) бўйича ижтимоий тадқиқотлар учун кичик намуналарни шакллантириш мезонларига мос келади.

**Аналитик усул** анкета сўрови иштирокчиларидан олинган маълумотларни таҳлил қилишга, шунингдек, **Python** ва **TensorFlow** дастурларининг ўрнатилган кутубхоналари ёрдамида белгиларни генерация қилиш орқали олинган катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилинган;

Маълумотларни олиш жараёнида онлайн анкета сўровининг барча иштирокчилари тадқиқот ўтказилаётганлиги ҳақида огоҳлантирилди ва олинган шахсий маълумотларни қайта ишлаш учун тегишли розиликлар олинган;

**Ретроспектив усул** илмий иш доирасидаги очиқ маълумотлар базасида мавжуд ҳомиладор аёлларнинг симптомлари ва белгилари электрон маълумотлар базасини ўрганиш орқали, **Data Science** усуллари ёрдамида таҳлил қилинган;

**Статистик усуллар** ўз ичига миқдорий ва сифат тадқиқот усулларини камраб олиб, ўртача қийматларни ва тегишли статистик кўрсаткичларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот маълумотлари шахсий компьютерда **Microsoft Excel 2019** дастури ва унинг ўрнатилган статистик таҳлил функцияларидан фойдаланган ҳолда статистик жиҳатдан қайта ишланган.

Параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди: ўртача арифметик қиймат ( $M$ ), стандарт четланиш ( $\sigma$ ), стандарт хатолик ( $m$ ), шунингдек, нисбий катталиклар (частота, %) ҳисобланди. Ўртача қийматлардаги фарқларнинг статистик аҳамияти Стьюдент мезони ( $t$ ) ёрдамида ва хатолик эҳтимоли ( $P$ ) баҳоси билан аниқланди. Тафовутларнинг ишончлилик даражаси  $P < 0,05$  да қабул қилинган.

Катта ҳажмли маълумотларни (Big Data) статистик таҳлил қилиш учун Google компаниясининг стандарт TensorFlow ва Google Collab кутубхоналаридан фойдаланилган.


Ишнинг график ва матнли қисмлари Intel™ процессорига асосланган шахсий компьютернинг Windows 11 операцион тизимидаги «Excel», «Word» ва «Power Point» каби амалий дастурлари ёрдамида бажарилган.

Диссертациянинг «Тиббиёт хамширалари учун рақамли компетенциялар» деб номланган учинчи бобида онлайн сўровнома ишлаб чиқилган ва тиббиёт хамширалари томонидан соғлиқни сақлашда рақамли технологияларни қўллашга бўлган муносабат ва фикрлар ўрганилган. Шунингдек, иштирокчиларнинг рақамли компетенциялар даражасини ўз-ўзини баҳолаш жараёни ўрганилган ва тиббиёт хамширалари рақамли компетенцияларини ошириш учун 3 та усул ишлаб чиқилган, улардан бири ECDL асосида оригинал малака ошириш дастуридир.

Респондентларнинг асосий қисми (89%) 50 ёшгача бўлган ёш гуруҳларида тўпланган бўлиб, «30 ёшгача», «31-40 ёш» ва «41-50 ёш» гуруҳлари ҳар бири тахминан 30% ни ташкил этади. Аёллар сўровга жавоб берганларнинг 96% ни (200 иштирокчидан 192 нафарида) ташкил этади, бу эса тиббиёт хамшираси касбида сезиларли жинсий асимметрия мавжудлигини кўрсатди. Респондентларнинг 60% таълим даражаси лицей ёки коллежнинг таълим даражаси билан кифояланганлиги кўрсатди. Респондентларнинг 35% ВСД бакалавр даражасига эга (ВСД), 5% эса ВСД магистр даражасига эга. Таълим даражаси ошгани сари иштирокчилар сонининг камайиш тенденцияси кузатилади. Респондентларнинг 70% и клиникалар ва касалхоналар тиббиёт хамширалари ҳисобланади. 17% иштирокчиларэса ВСД бўйича талабалардир. Ўртача тиббиёт ходимлари 9,5% ни, магистрлар эса 3,5% ни ташкил этади. Клиникалар ва касалхоналардаги хамшираларнинг кўплиги уларнинг сўровда иштирок этишга қизиқиши ёки қулайлиги юқорилигини кўрсатиши мумкин.

Респондентларнинг 60% республика соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлайди. 22% иштирокчилар хусусий клиникаларда фаолият юритади. 14% иштирокчилар давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлайди. Қолган 4% эса бошқа иш жойлари ўртасида тақсимланган.

Смартфонлар интернетга кириш учун энг кўп ишлатилади (88,5% иштирокчилар тез-тез ишлатади(1-расмга қаранг)).




1-расм. Интернетдан иш фаолиятида фойдаланиши

Компьютерлар ва иловалар иштирокчиларнинг 60% дан ортиғи томонидан баъзан ишлатилади ва тез-тез фойдаланиш эса тахминан 30% ни ташкил этади. E-Mail ва планшетлар иш фаолиятида фойдаланиш учун камроқ машҳур. Смартфонлар ва компьютерлар интернетда ишлаш учун асосий қурилмалардир (тез-тез фойдаланиш 74% ва 38% ни ташкил этади). Иловалар ва E-Mail камроқ ишлатилади, шунингдек, E-Mail анча кам ишлатилади. Планшетлар иш мақсадлари учун энг кам фойдаланиладиган қурилмалардир.

Энг кўп тавсия этилган ечимлар (2-расмга қаранг): М-дори қабул қилиш (76%), мобил профилактика (74%) ва таҳлил учун илова (73%). Камроқ тавсия этилган ечимлар: масофавий мониторинг (54%), онлайн ёзилиш (63%) ва телемедицина (65%). Тиббиёт ҳамширалари рақамли ечимлар ҳақида: иштирокчиларнинг 51% рақамли ечимларга қизиқиш билдирса, 37% уларни фойдали деб ҳисоблайди. Иштирокчиларнинг кичик бир қисми (4%) нейтрал фикрларни билдиради, 2% хавотирда ва 2% рақамли ечимлардан кўрқади.

Кўпчилик тиббиёт ҳамширалари соғлиқни сақлашда рақамли ечимларни ижобий баҳолайди, уларни фаол тавсия этади ва фойдаланишга қизиқиш билдиради. Салбий қарашлар кам учрайди, бу эса тиббиёт ҳамширалари рақамли технологияларни ўз амалиётларига интеграция қилишга тайёрлигини кўрсатади.



**2-расм. Ҳамширалар томонидан тавсия этилган рақамли соғлиқни сақлаш ечимлари турлари**

Сирдарё вилояти мисолида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш учун альтернативалар, рақамли соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш бўйича пилот лойиҳа сифатида қуйидагилар таклиф этилди:

Марказий ўқув марказини ташкил этиш: кўп профили вилоят касалхонаси ёки тиббиёт ходимларининг касбий малакаларини ривожлантириш марказининг филиалида ўқув марказини ташкил этиш таклиф қилинади. Ушбу марказ тиббиёт ходимлари учун олий ва ўрта таълим асосида бепул таълим хизматларини тақдим этади. Курслар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади ва мос равишда 144 та ва 144 та ўқув соатини таъминлайди (3-расмга қаранг).

Таълим муассасалари билан келишувлар тузиш: маҳаллий университетлар, коллежлар ва лицейларга тузилган келишувлар доирасида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари рақамли саводхонлик бўйича малака ошириш курсларини марказлаштирилган тарзда мувофиқлаштириши мумкин.

Мустақил равишда курсларни ўтиш: олий таълимга эга тиббиёт ходимлари рақамли саводхонлик бўйича малака ошириш курсларини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан ўтиши керак, олинган сертификатлар эса узлуксиз малака оширишнинг бир қисми сифатида тан олинади.



**3-расм. АКТ саводхонлиги бўйича марказлаштирилган малака ошириш**

Тиббиёт ҳамширалари учун бундай курслар давлат бюджетидан молиялаштирилади (4-расмга қаранг).



**4-расм. АКТ саводхонлиги бўйича мустақил малака ошириш**

Рақамлаштириш соҳасидаги амалий тайёргарликни курсларни ташкил этишда ҳисобга олиш муҳимдир, бу давлат ёки хусусий таълим муассасалари орқали ўқитилаётганидан қатъи назар Европа Иттифоқи тажрибаси (ECDL) Ўзбекистон Республикаси шароити ва талабларига мослаштирилган модулли малака ошириш дастурини ишлаб чиқиш учун асос сифатида фойдаланилган. Тиббиёт ходимларининг рақамли саводхонлик даражасини аниқлаш ва индивидуал малака ошириш жадвалини яратиш учун дастлабки тест синовларини ўтказиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқарилди. Бу эса саводхонлик даражаси бирламчи даражасини билишга асос бўлди.

Ҳамшираларнинг малакасини ошириш борасида ўқув дастурининг тузилиши 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Ўқув дастурининг тузилиши**

№	Касбий модуллар номи	Мажбурий аудитория таълими юклагаси (кредитлар)		Ўқувчиларнинг мустақил ишлари (кредитлар)		Модул бўйича жами кредитлар
		Жами	амалиёт	Жами	маслаҳатлар	
1	Соғлиқни сақлашда рақамли технологияларнинг асослари	10	8	2	1	12
2	Тиббиёт муассасалари ресурсларини режалаштириш ва бошқариш тизими	10	5	2	1	12
3	Тиббиётда интернет технологиялари ва коммуникация	10	5	2	1	12

4	Замонавий тиббиёт технологиялари	10	5	2	1	12
5	Соғлиқни сақлаш тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоралар	10	5	2	1	12
6	Компьютерда ишлаш. Файл тизимини бошқаришнинг асосий операциялари	10	8	2	1	12
7	Матнларни қайта ишлаш	10	8	2	1	12
8	Электрон жадвал	10	8	2	1	12
9	Маълумотлар базалари	10	8	2	1	12
10	тақдимот	10	8	2	1	12
Курс дастури бўйича жами		100	68	20	10	120

